

## Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Ўзбекистон Президентига катта муваффақиятлар тилади



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти, Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Элбоши Ўзбекистон Президенти кuni кеча бўлиб ўтган умумхалқ сайловида эришган ғалабаси билан чин дилдан муборакбод этиб, биродар ўзбек халқининг фаровонлиги ва равнақи йўлидаги фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда халқаро сиёсатга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги улкан ҳамкорлик салоҳиятини ишга солишга хизмат қиладиган йирик қўшма лойиҳаларни жадаллаштиришга муҳим эътибор қаратилди.

**Манба**